2010 йил 29 июль, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 146 (11.707)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ЖАЛБ ЭТИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, ёшларни, авваламбор касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки, микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 20 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолади.

Бунда ходимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни якунлаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирдагина йўл қўйилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 28 июль*

## «МИКРОКРЕДИТБАНК»НИНГ НАВБАТДАГИ РЕЙТИНГ БАҲОСИ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз молия-банк соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.**

Дунёнинг нуфузли рейтинг компанияси – «Fitch Ratings» томонидан шу йил 22 июлда «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банкига жорий рейтинг баҳоси берилди. Унда банкнинг 2010 йилдаги фаолияти, молиявий ҳолати, яъни зиммасидаги молиявий мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиш қобилиятига берилган узоқ муддатли «Барқарор» рейтинг баҳолари яна бир бор тасдиқланди.

Мазкур халқаро рейтинг компанияси банкнинг ўтган йилги фаолиятига ҳам узоқ ва қисқа муддатли ҳамда умумий узоқ муддатли йўналишлари бўйича «Барқарор» рейтинг баҳоларини берган эди.

Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майда қабул қилинган «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони асосида иш бошлаган ва бугунги кунда мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларига қадар кириб бориб, Инқирозга қарши чоралар дастури ижросини самарали таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринлари яратиш борасида кенг кўламли ишларни амалга ошираётган мазкур банкнинг халқаро миқёсдаги эътирофидан яна бир далолатдир.

**(ЎзА)**




## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

**Қарор ва ижро**

## МАКТАБ ЯРМАРКАСИГА МАРҲАМАТ!

**Тошкентда «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси томонидан ташкил қилинган умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун ихтисослашган кийимлар ярмаркаси очилди.**

Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси таркибига кирувчи компаниялар вакиллари, мактаблар, лицей ва коллежлар раҳбарлари, шунингдек, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Мамлакатимизда янги 2010-2011 ўқув йилига ҳозирлик кўрилмоқда. Пойтахтимиз ва жойларда бўлиб ўтаётган турли тадбирлар умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини мактаб анжомлари, ўқув-услубий қўлланмалар, ўқувчиларни мактаб кийими ҳамда пойабзал билан ўз вақтида таъминлашга кўмаклашмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 июлда қабул қилинган 2010-2011 ўқув йилига тайёргарлик кўриш учун мактаб бозорлари ва ярмаркаларини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Тадбирнинг очилишида, деб хабар беради ЎзА, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Шамсиддин Султонов мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ҳеч кимдан кам бўлмаган, соғлом, интеллектуал салоҳияти юқори ва эркин фикрлайдиган баркамол авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг салмоқли натижаларини бераётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари, дастурлар ёшларнинг замонавий билимларни эгаллаши, ўз салоҳиятини намоён этиши, йигит-қизларга янада кўпроқ эътибор ҳамда ғамхўрлик кўрсатишда муҳим омил бўлмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни янада такомиллаштириш, ўқув жараёнига янги ахборот-коммуникация ва илғор педагогик технологияларни жорий этиш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини мактаб анжомлари, ўқув-услубий қўлланмалар, ўқувчиларни эса мактаб кийими ҳамда пойабзал билан таъминлаш бўйича хайрли ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Ушбу дастур доирасида ташкил этилган мазкур ярмарка ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилади. Бу йилги ярмарка алоҳида хусусиятга эга. Унинг миқёси янги иштирокчиларни жалб қилиш, намойиш этиш учун қўйилган маҳсулотлар сонининг кўпайиши ҳисобидан сезиларли даражада кенгайтирилди.

Ярмаркада «Муштарий Int» акциядорлик жамияти, «Мурувват текс», «Коттон роад» қўшма корхоналари ва «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибига кирувчи бошқа турли мулкчилик шаклидаги 20 дан ортиқ корхона ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда. Унда асосан умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари формаси, болалар ва ўсмирлар учун спорт кийимлари, шунингдек, пойабзаллар намойиш қилинмоқда.

— Бу йил ихтисослашган ярмаркада илк бор иштирок этмоқдамиз, — дейди «Муштарий Int» акциядорлик жамияти раҳбари Жалол Абдуллаев. — Корхонамизда ўқувчилар учун кийимлар – костюмлар, шимлар ва кўйлаклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Маҳсулотларимиз сифати бўйича хорижникидан қолишмайди ва ярмарка давомида уларга билдирилаётган катта қизиқиш ҳам буни тасдиқлайди. Бу ерда кўплаб шартномалар тузиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш ниятидамиз.

Бундан ташқари ярмарка доирасида «Dong San Int» Ўзбекистон-Жанубий Корея компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган спорт ва мактаб товарларининг ҳам тақдимоти бўлиб ўтди. Корхона Ўзбекистон бозорида 1996 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Жорий йилда ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида ўқувчилар учун мактаб формаси, болалар ва ўсмирлар учун спорт ҳамда қишки кийимлар ишлаб чиқарадиган янги тўқимачилик фабрикаси иш бошлади. Ярмарка фабрикада ишлаб чиқарилган дастлабки маҳсулотларни намойиш этиш имконини берди.

Ярмарка 10 сентябргача давом этади. Унда тайёр маҳсулотлар етказиб бериш бўйича кўплаб шартномалар имзоланиши кутилмоқда.

**М.МАМЕТОВА**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Давлат мулк қўмитаси шаҳар бошқармаси томонидан «Ўзстандарт» агентлиги билан ҳамкорликда корпоратив бошқарув ва сифат менежменти тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** шаҳар Касаба уюшмалари бирлашмасининг кейинги беш йил давомида амалга оширилган ишлари юзасидан ҳисобот конференцияси бўлиб ўтади.

✓ **ЭРТАГА** «Наврўз» тантаналар уйида Адлия бошқармаси томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган семинар ташкил этилмоқда.

✓ **ЮНУСОБОД** туманидаги 235-мактаб қошидаги оромгоҳда «Камолот» ЁИҲ бўлими томонидан маданий-маърифий тадбир уюштирилди.

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Кеча Тошкентда БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон Бизнес-форуми» лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда БМТ қошидаги Европа Иқтисодий комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Давлат — хусусий сектор ҳамкорлиги: инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишнинг янги имкониятлари» мавзуида семинар бошланди.**

**• Жиззах шаҳрида “Аскар оналарини шарафлаймиз” мавзуида тадбир бўлиб ўтди.Жиззах вилояти хотин-қизлар қўмитаси, мудофаа ишлари бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган аскарлар оналари, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг чақириққача ҳарбий хизматга тайёрлаш курсларида таълим олаётган ёшлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.**

**• Чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқарувчи “Нукус-мироб” масъулияти чекланган жамияти замонавий технологиялар асосида қайта жиҳозланди. Корхонада мижозлар буюртмаси асосида 13 хилда юқори сифатли чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу ердаги модернизация ишларидан сўнг яна 48 та янги иш ўрни яратилди. Уларга асосан Нукус шаҳридаги касб-ҳунар коллежларини битирган ёш мутахассислар жалб этилди.**

**• Тошкент вилояти Чиноз туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда қирққа яқин корхона, ташкилот ва муассаса мавжуд бўш иш ўринларини таклиф этди. Меҳнат ярмаркасида юз нафардан ортиқ коллеж битирувчилари ўзларига маъқул ишга жойлашиш юзасидан шартнома тузди.**

**• Самарқанд шаҳридаги Олимпия заҳиралари тайёрлаш марказида беш ёшдан ўн икки ёшгача бўлган қизлар ўртасида бадиий гимнастика бўйича «Жисмоний баркамоллик — гўзаллик рамзи» шиори остида ташкил этилган фестивалнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

**• Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги олтита маҳаллага экологик тоза ичимлик суви қувурлари тортилди. Бу хайрли иш Европа Иттифоқи ва БМТ Тараққиёт дастурининг «Фарғона водийсида аҳоли турмуш даражасини ошириш дастури» доирасида амалга оширилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Брюсселда Исландияни Европа Иттифоқи аъзолигига қабул қилиш юзасидан расмий музокараларнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди.**

**• Маълумки, 26 июль куни АҚШ армиясининг Афғонистондаги 2004-2009 йиллардаги амалиётлари тўғрисидаги 92 мингта махфий ҳужжат Интернетнинг Wikileaks сайтида эълон қилинганди. АҚШ ҳукумати ушбу махфий ҳужжатлар қандай қилиб журналистлар қўлига тушиб қолгани бўйича текширувни бошлади. Пентагон бу ҳужжатларнинг чиқиб кетишига разведкачи Брэдли Мэнни айбдор деб ҳисобламоқда. Лекин буни исботлаш керак.**

**• Венесуэла маъмурияти Колумбия билан чегарасини мустаҳкамлаш ва назоратни янада кучайтириш мақсадида Боливариан миллий гвардиясининг минг нафарлик ҳарбий кучларини чегарага ташлади. Ўтган ҳафтада Венесуэла билан Колумбия ўртасида дипломатик алоқаларнинг узилганлиги бунга сабаб бўлди.**

**• Кеча Покистоннинг Исломобод шаҳри яқинида бортида 152 нафар экипаж аъзолари ва йўловчи бўлган хусусий авиакомпанияга қарашли А-321 русумли самолёт ҳалокатга учради. Ҳалокат натижасида барча 152 нафар киши ҳаётдан кўз юмган. Ушбу нохуш ҳодисага ноқулай об-ҳаво шароитлари сабаб бўлгани таъкидланмоқда. Шу муносабат билан бугун мамлакатда мотам куни эълон қилинди.**

**• Суданда бундан бир ой муқаддам Дарфур музофотида ўғирланган икки нафар Германия фуқароси озод қилинди.**

**• Каталония парламентида депутатларнинг кўпчилик овози билан 2012 йилдан бошлаб ушбу мухтор вилоятда коррида томошалари ўтказилмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинди.**

## Қарор ва ижро

# ЭНЕРГИЯ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНМОҚДА

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган «2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясида энергия ишлаб чиқариш қувватлари ва электр тармоқларини реконструкция қилиш ҳамда модернизациялаш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда, тармоқда комплекс техника сиёсати юритилмоқда.**

Компания таркибида 54 корхона ва ташкилот мавжуд. Мамлакатимиз электр станцияларининг белгиланган қуввати 12,4 миллион кВтни ташкил этади.

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясидан маълум қилишларича, деб хабар беради ЎзА, қиймати 3,5 миллиард АҚШ долларини ташкил қиладиган 37 та инвестиция лойиҳаси тармоқни мувозанатли ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Уларнинг амалга оширилиши энергия тизимининг барқарор ишлашини, истеъмолчиларни электр энергияси билан ишончли таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш имконини беради.

Шундай йирик лойиҳалардан бири Янги Ангрен иссиқлик электр станциясида жорий этилмоқда. Бу ерда энергия ишлаб чиқариш жараёнида табиий газ сарфини камайтириш заруратидан келиб чиққан ҳолда, 1-5 энергия блокларини йил давомида кўмир ёқишга ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозир Ангрен кўмир кони реконструкция қилинмоқда. Унинг модернизация қилиниши 2012 йилда 6,4 миллион тонна кўмир қазиб олиш имконини беради (айни пайтда бу ерда йилига 3,2 миллион тонна кўмир қазиб олинмоқда). Бунда Янги Ангрен иссиқлик электр станциясига кўмир етказиб беришни 2,2 миллион тоннадан 5,2 миллион тоннага ошириш режалаштирилмоқда. Бунинг натижасида йилига 825 миллион куб метр табиий газ тежаб қолинади.

Юқори вольтли 500 кВ Сирдарё ИЭС-Янги Ангрен ИЭС линияси қурилиши мўлжалланмоқда. Иккита йирик электр станциялар ўртасида бундай қўшимча боғлиқлик мамлакатимиз энергия тизимининг ишончли ишлаш даражасини ошириб, электр энергияси оқимини кўпайтириш имконини беради. Узунлиги 150 километр бўлган 500-электр узатиш линияси Фарғона водийси истеъмолчиларини электр энергияси билан таъминлашни анча яхшилайди. «Ўзбекэнерго» бу лойиҳани ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширишни мўлжалламоқда.

Ёқилғидан фойдаланмасдан қўшимча электр энергияси ишлаб чиқариш имконини берадиган яна бир инвестиция лойиҳаси ҳам эътиборга лойиқдир. Талимаржон ва Сирдарё ИЭСда сиқилган табиий газ кенгайишидан ҳосил бўладиган энергия асосида ишлайдиган умумий қуввати 20 мегаватт бўлган детандер-генератор агрегатларини қуриш кўзда тутилмоқда. Улар магистрал газ қувурларидаги газ энергияси ҳисобидан электр энергияси олиш имконини беради. Бунинг натижасида 16 миллион куб метр табиий газ тежаб қолинади. Хорижий инвесторлар иштирокидаги ушбу лойиҳа қиймати 20 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Бошқа инвестиция лойиҳалари замонавий илмий-техник ишланмаларни жорий этиш билан боғлиқ. Тошкент, Навоий, Талимаржон ИЭСни модернизация қилишда фойдаланиладиган буғ-газ қурилмаси шундай ишланмалар сирасидандир. Тошкент ИЭСда ана шундай буғ-газ қурилмасининг қуввати 370 мегаваттни ташкил қилади. 2,8 миллиард киловатт-соат электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарадиган бундай қурилма 175 миллион куб метр табиий газни тежаш имконини беради. Бошқа электр станцияларда ҳам энергия самарадорлиги ошиши ва катта ҳажмда табиий газ тежалиши кутилмоқда.

Тошкент иссиқлик электр марказини модернизация қилиш учун катта иқтисодий самара берадиган 27 МВт қувватига эга 3 та газ-қувур қурилмаси жорий этилмоқда. Қиймати 52 миллион доллар бўлган битта шундай қурилма лойиҳаси Япониянинг энергетика ва саноатда янги технологияларни ривожлантириш ташкилоти (NEDO) грант маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. NEDO модель лойиҳасини жорий этиш доирасида бошқа иккита газ-қувур қурилмаси барпо этишни Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлигининг (JICA) имтиёзли кредитини жалб қилиш орқали молиялаш кўзда тутилмоқда.

Тармоқда энергия тежайдиган технологияларга катта эътибор берилмоқда. Электр энергияси истеъмолини автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда. Корхоналар, хўжалик субъектлари ва маиший истеъмолчиларда Электр энергияси истеъмолини автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини жорий этиш технологик йўқотишларни камайтириш, бутун жараёнда электр ресурсларини етказиб беришнинг аниқ ҳисоб-китоб қилинишини таъминлайди. Тизимнинг шаклланган оптимал ишлаш режими ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежамли фойдаланишни яхшилашга ёрдам беради.

Қиймати 34,8 миллион долларни ташкил қиладиган ушбу лойиҳани бир йилда амалга ошириш мўлжалланган. Экспертларнинг фикрича, янгилик йилига 2,75 миллиард киловатт-соат электр энергиясини тежаш, шунингдек, ҳар йили 1,9 миллион тонна буғхона газини камайтириш имконини беради. Тежаб қолинган энергия қиймати йилига қарийб 125 миллион долларни ташкил этади.

Дастурни «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва ривожланиш жамғармаси маблағлари, шунингдек, хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан молиялаш режалаштирилмоқда. Электр энергияси истеъмолини автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини жорий этиш умумий қиймати қарийб 360 миллион доллар бўлган электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини модернизация қилиш дастурининг биринчи босқичи ҳисобланади.

Бу ва бошқа инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши, шубҳасиз, мамлакатимиз иқтисодиёти ва аҳолисини энергия билан самарали, ишончли ва барқарор таъминлаш имкониятларини кенгайтиради.

**В.НИКОЛАЕВ**

## 2010 йил — Баркамол авлод йили




*Асал қизлар, жамалак сочлар, санъатга ошуфта қалблар — сизнинг келажагингиз порлоқдир.*

# ЗАМОНАВИЙ МУСИҚА МАКТАБИ

**22-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчи ўғил-қизларнинг, санъатга ошно дилларнинг севимли масканларидан саналади. Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида айни кунларда 260 нафар ўқувчига мўлжалланган мазкур санъатсеварлар маскани капитал реконструкция қилинмоқда.**

Ушбу даргоҳда меҳнат қилаётган 35 нафар педагог иқтидор соҳибларига фортепиано, торли-камонли, ўзбек халқ чолғулари, баян-аккордеон, гитара, хореография, дамли-зарбли чолғулар йўналишлари бўйича мусиқа сабоғини беради. Жорий йилдан бошлаб тасвирий санъат, компьютер графикаси, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик йўналишлари очилиб, ёшларнинг дарсдан бўш вақтида халқ амалий ҳунармандчилиги сир-асрорларини ўрганишига, бетакрор санъат асарлари яратишига имконият берди.

Ёзнинг иссиқ кунларида бунёдкорлик майдонида қурилиш ишлари авжи паллага кирган. Турли ҳунар эгалари бўлган қурувчиларнинг қўли қўлига тегмайди. Уларга «Анкур қурилиш сервис» масъулияти чекланган жамияти бош пудратчилик қилмоқда.

— Асосий қурилиш-тиклаш ишлари ниҳоясига етиб, пардозлаш юмушларини амалга ошираяпмиз, — деди бош пудратчи ташкилот раҳбари Баҳодир Ашуров. – Айни пайтда 80 та қурувчи ҳамжиҳатликда меҳнат қилмоқда. Капитал реконструкция лойиҳасида кўзда тутилган барча ишларни сифатли уддалашга ҳаракат қилмоқдамиз. Ювиниш хоналари, санитария тармоқлари янгиланди, алюмин-пластик деразалар ўрнатилди, тасвирий санъат, зардўзлик, хор оркестри хоналари ҳам талабга яраша пардозланмоқда. Кенг, ёруғ буфет зали ўқувчилар хизматида бўлади. Баркамол авлод йилида фойдаланишга топшириладиган ушбу маскан фарзандларимизга ажойиб совға бўлади деган умиддамиз.

— Ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни иқтидорига кўра мусиқа санъатига қизиқтириш, азалий қадриятларимиз бўлмиш урф-одатларимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, маънавиятини юксалтириш, ота-боболаримиз бой меросини эъзозлашга ўргатиш асосий мақсадларимиз сирасига киради, — дейди мусиқа ва санъат мактаби директори Норқул Ризаев. — Эндиликда мактабимизнинг замонавий кўринишга эга бўлиб, педагог ва ўқувчилар учун барча шароитлар яратилаётгани, албатта, бизни руҳлантиради. Мусиқа ва санъатга ошно қалблар ҳамиша эзгуликка интилади.

Дарҳақиқат, санъат мактабининг чирой очиши ўқувчиларни ҳам мамнун этиб, ажойиб байрам туҳфаси бўлади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**Соғлиқни сақлаш тизимида устувор масалалардан бири бу соғлом оилани шакллантиришдир. Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли даволаш-профилактика муассасаларида бу борада соғлом авлодни дунёга келтириш, болажонларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида кўлами кенг ишлар амалга оширилаётир.**

# ҲАМКОРЛИКДАГИ ФАОЛИЯТ САМАРАСИ

Аҳолига тўққизта оилавий поликлиника, талабалар учун алоҳида поликлиника, иккитадан стоматология поликлиникаси, диспансер, туғруқ мажмуаси, касалхона хизмат кўрсатади.

Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорларида тиббиёт ходимлари зиммасига янада масъулиятли вазифалар юклатилди.

2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида 85 мингдан зиёд аёлларимиз тиббий кўрикдан ўтказилиди. Туман ҳокимлиги, ФХДЁ, халқ таълими бўлимлари, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари ҳамкорликда 58 та маҳалла, 32 та мактаб, 14 та лицей ва коллеж, 3 та олий ўқув юрти ўқувчи ва талабалари иштирокида тиббий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш мавзуларида давра суҳбатлари, савол-жавоб семинарлари доимий ўтказиб келинади.

Даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари томонидан тегишли қарорларнинг бажарилиши бўйича масъул шахслар билан биргаликда ойма-ой қилинган ишлар таҳлил этилб, галдаги вазифаларга аниқлик киритиб борилаётир.

Тиббиёт соҳасида қайси бир йўналишга эътибор бермайлик, у ерда амалий ишлар қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Айниқса оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида талай ҳаракатлар амалга оширилди.

Кўп тармоқли марказий поликлиника қошида никоҳгача бўлган ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш маркази очилди. Шу кунгача деярли 1,6 минг ёш оила бешта йўналиш бўйича тиббий кўрикдан ўтказилди. Бу, албатта, ёшларни оила қуриш олдидан ўз соғлиғига масъулият билан қарашга, касаллик аниқланса, даволанишига яхши имкониятдир.

Туман ФХДЁ бўлими билан биргаликда ҳар ойнинг охирги пайшанба кунлари тиббий кўрикдан ўтган ёшлар билан мутахассислар иштирокида «Оила дорилфунуни» мавзусида учрашувлар, суҳбатлар ўтказилмоқда. Ҳамкор тузилмалар билан биргаликда ҳар ойнинг охирги жумасида олий ўқув юртлари талабалари, лицей, коллеж ўқувчилари билан «Ёш оила қурувчилар мактаби»нинг йиғилишлари бўлиб ўтади.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳар томонлама комил инсонни вояга етказиш учун биз кўпроқ аҳоли билан ишлашимиз, оилаларда тиббий маданиятни ва тиббий саводхонликни оширишимиз керак. Бундай ҳамкорлик пироварди мақсадга эришишимизда ўз самарасини беради, албатта.

**Шаҳзода ТУРСИМЕТОВА,**
**Собир Раҳимов тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори ўринбосари**

## Иқтисодиёт

# КЎРКАМЛИК БАҒИШЛАЙДИ

**Ҳар бир соҳада изланиш, илғор технологиялардан унумли фойдаланиш маҳсулот сифатини таъминлайди. Кейинги йилларда чиройли безак берилган ойналар мебелсозликда кенг қўлланилмоқда.**

Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритаётган «Steklo plus» масъулияти чекланган жамияти ўтган йилдан буён ички бозоримизда кенг харидорини топиб, қурилиш ва мебелсозликда қўлланиладиган бадиий безакли ойна ишлаб чиқармоқда. Ранг-баранг нақшлар, турфа гуллар билан безатилган ойналар энг нозиктаъб мижозни ҳам мафтун қилади. Шу боис буюртмачилар сафи ортиб бормоқда.

— Эътиборли томони, асосий хом ашё ўзимизники, Қувасойдан келтирилади, — дейди корхона директори Иброҳим Мирсаидов. — Уй-жой интерьерида ойна ўзига хос кўркамлик, жозиба бахш этади. Корхонада меҳнат қилаётган ўн нафар малакали ишчи-хизматчиларимиз замонавий автоматлашган технологик линия кўмагида ойналарга ишлов беришади. Мижозларни айниқса эшик, ромларга ўрнатилган безакли ойналар мамнун қилмоқда.

# ЯНГИЛИККА ИНТИЛУВЧАН УСТА

**Халқ амалий ҳунармандчилиги йўналишлари орасида ёғоч ўймакорлигининг алоҳида ўрни бор. Бинобарин, аждодларининг ўлмас меросини нафақат давом эттириш, балки янада бойитиш, равнақ топтиришда ёш, янгиликка ўч ҳунари гўзаллар ота-боболарининг ҳунарини ижодий ёндошган ҳолда давом эттирмоқда.**

Ўз ҳунари билан элга танилаётган, гўё ёғочга жон ато этаётган усталар орасида Шерзод Қодирқуловнинг ҳам муносиб ўрни бор. Ёшлигидан ёғоч ўймакорлигига алоҳида меҳр-муҳаббати бўлган Шерзод, сабр-тоқат, доимий интилиш туфайли ёғоч билан тиллашиш санъатини мукаммал эгаллади. Бунда унга беназир устози Тоир Файзуллаевнинг берган ўгитлари бесамар кетмади. Қўли гул устанинг ҳар бир маслаҳатига қатъий амал қилди.

— Истиқлол боис биз, ҳунармандларга кўп имтиёзлар берилди, — дейди Шерзод Қодирқулов. — Бундай ғамхўрликка жавобан иқтидоримизни намоён қилишга интилишимиз, миллий ҳунармандчилигимизни жаҳонга танитишимиз лозим. Аждодларимизнинг, ота-боболаримизнинг бебаҳо меросини авайлаб-асраб, давом эттирибгина қолмай, келгуси авлодларга бойитиб етказиш шунчаки мақсад эмас. Бу — бурчимиздир.

Шерзод ўз ишлари билан кўплаб кўрик-танловларда қатнашиб келмоқда. Санъат даражасига етказиб тайёрланаётган унинг маҳсулотлари қизиқувчан ёшларни уста изидан боришга ундамоқда. Бугунги кунда икки нафар шогирд тайёрлаётган уста янада руҳланган ҳолда ижод қилмоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

## Таълим

# КИТОБ — БИЛИМ БУЛОҒИ

**Чилонзор туманидаги 202-мактабда халқ таълими бўлими ташаббуси билан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида «Китоб — билим булоғи» мавзуида фестиваль бўлиб ўтди.**

XXI аср — техника тараққий этган аср. Ҳозирги даврни айниқса компьютерсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳалқ таълими муассасалари қошидаги ахборот-ресурс марказлари ҳам бугунги кунда замонавий технологиялар билан тўлиқ таъминланаётганлиги, кутубхоналарнинг электрон нусхасидан фойдаланиш ўқувчига одатий ҳол бўлиб қолганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шундай бўлсада, аммо билим булоғи бўлмиш китобнинг ўқувчиларнинг билими, маънавияти юксалишидаги аҳамияти ҳамон беқиёсдир. Фестиваль доирасидаги тадбирлар буни яққол намоён этди. Айниқса кейинги йилларда чоп этилган энг сара асарлардан таркиб топган китоблар кўргазмаси кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Шоир Муҳиддин Омоннинг ўқувчилар билан бўлган ижодий учрашуви келажагимиз ворислари қалбида узоқ сақланиб қолса, ажаб эмас. Шоир ёшларга китобнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида сўзлаб берди, янги ёзган шеърларидан парчалар ўқиди. Қувонарлиси, ёшлар ҳам китобга қизиқиши алоҳида эканлигини, китоб мутолааси билан мунтазам шуғулланиши ҳақида устозлари ва Муҳиддин Омонга мароқ билан сўзлаб беришди.

Мактабнинг иқтидорли ўқувчиларидан таркиб топган бадиий гуруҳ томонидан она Ватан, Истиқлол неъмати ҳақида ижро этилган куй-қўшиқлар фестиваль даврасига янада файз бахш этди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

